O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 11 декабрь, чоршанба • №98 (11.486) • Эркин нархда сотилади

## Тараққиётнинг ўзбек модели

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида "Миллий истиқлол ғояси – ҳар томонлама ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида Ўзбекистон халқининг ҳамжиҳатлиги ва якдиллигини таъминлаш асоси" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

Ватанимиз истиқлолининг дастлабки йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Миллий истиқлол ғоясининг ҳаётбахшлиги тараққиётнинг ўзбек моделини амалга оширишда яққол намоён бўлмоқда.

Анжуманда бош стратегик мақсадимиз бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат экани қайд этилди.

Семинарда илмий-ишлар йўналишларини янада такомиллаштириш, тадқиқотларни замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган усулларда амалга ошириш, амалиёт учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқариш зарурлиги айтилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев сўзга чиқди.

*ЎзА.*

Вилоят ҳокимлигида

## ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Мустақил юртимиз Бош Қомуси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг ўн йиллиги мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Шу муносабат билан вилоят, шаҳар, туман, корхона, ташкилот, қишлоқ ва маҳаллаларда кўплаб тадбирлар ўтказилди. 7 декабрь куни вилоят ҳокимлигининг катта мажлислар залида бўлиб ўтган йиғилиш ҳам айнан шу санага бағишланди. Уни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.**

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят прокурори Фахри Раҳимов Конституциямизнинг қабул қилиниши тарихи, моҳияти ва аҳамияти, Асосий Қонунимиз бераётган имтиёзлар ва имкониятлар ҳақида гапирди.

Шу куни вилоятимизнинг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари, маданият, маънавият ва бошқа соҳа ходимлари учун қўш байрам бўлди, десак муболаға бўлмас.

Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан вилоятдаги давлат хизматчилари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги ҳамда эл-юрт олдидаги улкан хизматлари, ислоҳотларни чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтиришдаги, юртимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётгани, ҳалол меҳнати учун Президентимиз Фармони билан мамлакатимизнинг юксак фахрий унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган эдилар. Тантанали йиғилиш ана шу мукофотларни топшириш маросимига уланиб кетди.



Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов топширди.

Ўзбекистон халқи ўзининг бунёдкорона меҳнати билан жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида, юртимизда инсон қадр топишида бизнинг вилоятда яшаб, сидқидилдан меҳнат қилаётганларнинг ҳам ҳиссаси салмоқли эканлиги йиғилишда алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида Ватаннинг юксак мукофотлари билан тақдирланган бир гуруҳ ҳамюртларимиз орасида вилоятимиз вакиллари кўпчиликни ташкил қилиши ҳам бежиз эмас. Айнан шундай жонкуяр кишиларнинг саъй-ҳаракати туфайли ислоҳотлар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизнинг турли соҳаларига кириб бормоқда. Ишлаб чиқариш кўламлари тобора кенгаймоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари авж олмоқда. Йиғилишда ана шундай маҳобатли ишларнинг бошида турган, бу йўлда ўз фидокорлиги билан бошқаларга намуна бўлаётган вилоят меҳнаткашларининг бир гуруҳи шарафланди.

Тантанали йиғилишда сўзга чиққан ҳамюртларимиз ўзларига билдирилган бундай юксак ишонч, ҳурмат ва эътибор учун ҳукуматимиз, Президентимизга ўз миннатдорчиликларини билдириб, бундан буён ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, янгиланишларда фаол иштирок этажакларини айтдилар.

*Ўз мухбиримиз.*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўнинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси 12 декабрь куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 11 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 12 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисда 11 декабрь куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

Вилоят ҳокимлигида

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Шу йил 10 декабрь куни вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҳокимликнинг тегишли бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.**

**Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Раҳимбердиев бошқарди.**

Мажмуа мажлисида бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилди. Хусусан вилоятда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, бу борада белгиланган дастур ва тадбирларнинг ижроси алоҳида таҳлил қилинди. Кадрларни тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишга қаратилган ҳамда қарияларни қадрлаш йили муносабати билан белгиланган дастурлар юзасидан ахборотлар тингланди ва қўшимча тадбирлар белгиланди. Йиғилишда шунингдек жойларда янги йил арча байрамларини ўтказиш, Муборак Ҳаж сафарини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашинди. Шаҳар ва туманларда 2003 йил учун газета-журналларга, даврий нашрларга обунани уюштиришнинг аҳволи ҳам муҳокама этилди.

Маълумки, 2002 йилнинг 28 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ана шу қарорга мувофиқ эндиликда вилоят, шаҳар ва туманларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилиши, жойларда унинг таянч пунктлари ташкил этилиши керак. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори асосида амалга оширилиши зарур бўлган масалалар ҳам муҳокама этилиб, мутасадди ҳокимлик ҳамда идораларга тегишли вазифалар юкланди.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўйича давлат маслаҳатчиси хизмати қошидаги Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан мамлакат иқтисодиёти фани тарихида биринчи марта ишлаб чиқилган «Минтақалар рейтинги» ана шундан далолат бермоқда**

*Ҳа, бугун Тошкент вилоятида яшаб, меҳнат қилаётган барча фуқаролар вилоятимиз эришаётган муваффақиятлардан фахрланиш имкониятига эга бўлишди. Зеро, Тошкент вилояти Иқтисодий тадқиқотлар марказининг «Минтақалар рейтинги»да биринчи ўринни эгаллади.*

*Рейтинг мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислоҳотларга оид 23 та кўрсаткич бўйича тузилди. Тошкент вилояти ана шу кўрсаткичларнинг аксарияти бўйича республикада энг юқори натижаларга эришди. Аниқ статистика маълумотлари, қатъий рақамлар вилоятимиз меҳнаткашлари эришган ютуқларни яққол тасдиқлаб турибди.*

*Иқтисодий тадқиқотлар марказининг бош менежери (директори) Баҳодир Эшонов ва етакчи миллий эксперт Игорь Пугач «Тошкент ҳақиқати» — «Ташкентская правда» мухбири билан бўлган бугунги суҳбатда Марказ томонидан тарихимизда биринчи марта ўтказилган «Минтақалар рейтинги»га тайёргарлик жараёнида амалга оширилган катта тадқиқот ишлари ҳақида қуйидагича ҳикоя қиладилар.*

(Давоми 2-бетда).

*Мана ўша рейтинг:*

| Минтақалар | Якуний рейтинг |
|---|---|
| Тошкент вилояти | 1 |
| Тошкент шаҳри | 2 |
| Андижон | 3 |
| Навоий | 4 |
| Бухоро | 5 |
| Фарғона | 6 |
| Сирдарё | 7 |
| Самарқанд | 8 |
| Қашқадарё | 9 |
| Сурхондарё | 10 |
| Хоразм | 11 |
| Наманган | 12 |
| Жиззах | 13 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 14 |




## ЭКСПОРТДА МЕНЕЖМЕНТ

**Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани бежиз эмас. Зеро, бу соҳа иқтисодиётимиз юксалишида, жумладан, ишсизлик муаммосини ҳал этишда, ички бозорни товар ва хизматлар билан тўлдиришда, фуқароларимизнинг турмуш даражасини яхшилашда алоҳида ўрин тутади.**

Мазкур соҳани жойларда ҳар томонлама ривожлантириш ва шу асосда тадбиркорларнинг ўрта синфини шакллантириш тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларини топиши ва товарни сотиш муаммосини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон "Тадбиркор аёл" уюшмасида Германиянинг Техникавий ҳамкорлик жамияти билан ҳамкорликда "Экспортда менежмент" дастури доирасида ўтказилган семинарда айни шу масалага эътибор қаратилди. Унда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, жумладан, бозор талабини ўрганиш ва шунга мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

*Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.*

**ВИЛОЯТ *ҳаёти***

## «ЗАМОНА ЁШЛАРИ»

**Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан бошланган кўрик-танлов ана шундай номланди.**

Ундан кўзланган мақсад вилоят шаҳар ва туманларида яшаб, ижод қилаётган ёшларни аниқлаш, уларга кенг йўл очиш, танлаган соҳалари бўйича йўлланмалар беришдир. Кўрик-танлов шартига кўра ҳар бир иштирокчи ўзи танлаган соҳада эришган ютуқларини намойиш этиши керак.

Танловнинг дастлабки босқичлари Чиноз, Пскент, Қуйичирчиқ туманлари маҳаллалари ва қишлоқларида бўлиб ўтди. Ҳозирда бошқа шаҳар ва туманларда ҳам бу кўрик-танлов давом этмоқда.

*Ўз мухбиримиз.*

## ДАЛВАРЗИНДА ЯНГИ ТИББИЙ МАСКАН

**Аҳоли саломатлигини яхшилаш ва тиббий хизмат сифатини ошириш мақсадида жойларда қишлоқ шифокорлик масканлари ташкил этилмоқда. Улар зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.**

Чунончи, яқинда Бекобод тумани Далварзин қишлоғида шифокорлик пункти фойдаланишга топширилди. Янги шифо масканига хориждан келтирилган 15 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилган. 20-механизациялашган кўчма колонна жамоаси бунёд этган бу шифохона 6 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсата бошлади. Унда 3 нафар олий тоифали шифокор, шунингдек, 11 нафар ҳамшира беморлар дардига малҳам бўлмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ҳамиша СИЗ билан!

*Севимли газетангиз бундан буён ҳам доимий, ишончли ҳамроҳингиз бўлиб қолиши учун унга ўз вақтида обуна бўлишни унутманг. Бизнинг индекс — 205.*

**Доимо бирга бўлайлик, азизлар!**

## «ЎЗ ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?»

**Олмалиқ шаҳрида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия тарбияси оғир, жиноятга «мойил» ўқувчиларни аниқлаб, улар ўртасида тарбиявий ишни кучайтирмоқда.**

Шу мақсадда ўқитувчилар жамоалари билан яқиндан ҳамкорлик қилинаяпти. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида шаҳар прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида «Ҳуқуқ ва бурч», «Жиноят ва жазо», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» ва бошқа мавзуларда учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилаяпти. Куни кеча эса, бу ерда «Ўсмирларнинг ҳуқуқбузарликлари учун жавобгарликлари» мавзуида навбатдаги тадбир бўлиб ўтди.

*Ўз мухбиримиз.*

**ВИЛОЯТ *ҳаёти***

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

— Натижалар кимларнидир ажаблантириши мумкин. Шуни эътиборга олмоқ лозимки, якуний рейтинг минтақавий иқтисодиётнинг унумдорлиги, тадбиркорликни ривожлантириш шароитлари ва унинг тараққиёт даражаси, ижтимоий тамойиллар (аҳолининг бандлиги, даромади ва харажатлари), ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этилганлиги каби бир қатор кўрсаткичлар орқали аниқланган тўртта муҳим тамойилга асосланган. Умуман олганда, рейтинг тузиш учун ислоҳотларга оид 20 дан зиёд кўрсаткичлардан фойдаланилди. Шу тариқа ушбу рейтинг амалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрини иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг мукаммал статистик тадқиқоти якунларини ўзида акс эттирган.

Таъкидлаш жоизки, «Минтақалар рейтинги» устида ишлаш жуда қизиқарли бўлди. Иқтисодиёт ва статистика — айтиш мумкинки, эгизак. Улар умумий мақсадлар учун бирлашса, кўпинча, жуда ибратли натижалар юзага келади. Аввало, мамлакат миқёсида эришилган ютуқларни тилга олмоқ лозим. Экспертлар ҳам буни таъкидлашмоқда. Бугун биз тўққиз ойлик якунга эгамиз. Йиллик кўрсаткичлар энди чиқарилади. Шунга қарамай, тараққиёт кўлами кўзга яққол ташланиб турибди. Мустақил Ўзбекистон 2002 йилда иқтисодий тараққиёт бобида том маънода катта сакрашга эришди. Бутунжаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, бошқа кўплаб халқаро молия институтлари ҳам ўз ёрдамларини тавсия этаётганлари бежиз эмас. Чунки, барқарор ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаш фойдалидир. Шу ўринда бу барқарорлик нималарда кўзга ташланмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Мана, таққослаб кўринг: шу йилнинг ўтган тўққиз ойида мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 107,8 фоиз. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 111,7 фоиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — 101,7 фоиз. Асосий капиталга инвестициялар — 102,3 фоиз. Чакана товар айланмаси — 103,6 фоиз. Бу маълумотларга шубҳа билан қаровчиларга алоҳида тушунтириш мумкин. Кўрсаткичлар солиштирма нархларда берилган. Демак, бу асл рақамлар.

**— Биз мамлакатнинг иқтисодий ютуқлари ҳақида гапирганимизда, оддий фуқаролар одатда расмий маълумотларга эмас, балки ўз ҳамёнларига қараб баҳо берадилар.**

— «Ижтимоий тамойиллар» деганимиз, айнан мана шу. Келинг, уларни ҳам тилга олайлик. Аҳолининг бугунги кундаги пул даромади ўтган йилга нисбатан 147,9 фоизга тенг. Дарвоқе, аҳоли сони кўпайди-ку, дейишингиз мумкин. Унда қуйидаги рақамга эътибор беринг: йилнинг ўтган уч чорагида аҳоли жон бошига пул даромади 143,8 минг сўмданга тўғри келди. Бу ўтган йилги даражага нисбатан 146,2 фоизга тенг. Одамларимиз кўпроқ харид қиладиган бўлиб қолдилар. Зеро, товар айланмаси даражасини юқорида келтирдик. Мана, якка тартибдаги кўрсаткичлар: товарлар харид қилиш ва хизматлар ҳақини тўлашга оид аҳоли жон бошига пул даромади ўртача 124,9 минг сўмга тўғри келади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 147,7 фоизни ташкил этади.

**— Анча салмоқли натижа. Келинг, энди эътиборни кичик ва ўрта бизнеснинг ривожига қаратайлик, негаки, бу ҳар қандай иқтисодиётнинг ўзаги ҳисобланади.**

— Мамлакатнинг умумий иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 90,9 фоизни, шу жумладан, саноатда 95 фоизни, қишлоқ хўжалигида 96,1 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш тармоғида 96,54 фоизни ташкил этади. Масалан, Тошкент вилоятида рўйхатга олинган кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ўсиши 112 фоизга тенг бўлди. (Таққослаш учун — Тошкент шаҳрида — 100,6 фоиз).

**— Энди вилоятимиз кўрсаткичларига ўтсак бўлаверади. Умуман, мамлакатимиз қандай даражага чиққанлигини юқорида кўрдик. Уларни вилоятимиздаги рақамлар билан солиштириб кўриш ҳаммамиз учун қизиқарли.**

— Марҳамат: вилоятда ялпи ички маҳсулот ўтган йилдагига нисбатан 103,5 фоиз бўлди. Саноат маҳсулотлари ҳажми — 111,7 фоиз. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 110,8 фоиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — 100,4 фоиз. Чакана товар айланмаси — 110,7 фоиз. Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш — 106,6 фоиз. Аҳолининг иқтисодиёт соҳасидаги иш билан бандлигига оид кўрсаткич эса, янада салмоқли: агар умуман мамлакат бўйича нодавлат тармоғида ишлаётганлар 76 фоиз бўлса, пойтахт вилоятида 79,1 фоизни ташкил этади. Шу жумладан, хусусий бизнесда: мамлакатда — 49,1 фоиз, Тошкент вилоятида — 53 фоиз.

**— Айрим маҳсулот турларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкинми?**

— Албатта. Тошкент вилояти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт баравар кўп (!) куч трансформаторлари ишлаб чиқарди. Тайёр металл прокати ишлаб чиқариш 103,8 фоиз, дераза ойналари — 177,1 фоиз, цемент — 103 фоиз, кўмир — 100,7 фоиз кўпайди. Бу рақамларни бошқа минтақаларники билан таққослаб кўринг: Фарғона вилоятида дераза ойнаси ишлаб чиқариш 115,4 фоиз, цемент — 100,2 фоиз кўпайган. Бу ҳам ютуқ. Бироқ пойтахт вилоятиники анча салмоқли.

**— Ўқувчиларни истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари кўпроқ қизиқтиради, албатта.**

— Статистика бу борада ҳам тўлиқ ва аниқ маълумотлар бера олади. Умуман мамлакат бўйича мебел ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан 103,4 фоиз кўпайган бўлса, Тошкент вилоятида 126,5 фоизга тенг бўлди. Пойабзал ишлаб чиқариш — мамлакатда 104,8 фоиз, пойтахт вилоятида 119,2 фоиз. Дарвоқе, Тошкент вилоятиароқ ва вино маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ҳисобланади.

**— Иқтисодчилар шундай таққослашмоқда: бошқа минтақалар қаторида Тошкент вилояти ўзига хос салоҳиятга эга. Сиз келтирган рақамлар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Ана энди пойтахт вилоятининг «Минтақалар рейтинги»да нима учун етакчилик қилаётгани янада тушунарли бўлди.**

— Фақат саноат бўйича эмас, бошқа кўпгина соҳаларда ҳам шундай. «Минтақалар рейтинги» ўзининг 23 та кўрсаткичи бўйича кичик ва ўрта бизнес тараққиёти учун аниқ имкониятларни ҳисобга олади, даромад, харажат ва инвестицияларни таққослайди, мамлакат учун ва чет эл инвесторлари учун энг истиқболли бўлган ташқи иқтисодий фаолиятни эътиборга олади. Биз ҳозир 23 та кўрсаткичдан айримлари ҳақида ҳикоя қилишимиз мумкин.

**— Бироқ, аввал, айтингчи, қайси маълумотномалар, бюллетенлар сиз учун ахборот манбаи бўлди?**

— Жуда жиддий манбалар. Булар — Давлат статистика департаменти маълумотлари, унинг маълумотномалари, шунингдек, бошқа ҳаммабоп ахборотлар.

**— Шундай бўлсада, биз илгари Тошкент шаҳри билан «беллашиш» бефойда, деб ҳисоблардик. Чунки, ҳар қандай давлатнинг пойтахти инвесторларнинг эътиборини ҳам, уларнинг юқори технологияли лойиҳаларини ҳам ўзига жалб этиши табиий.**

— Тошкент мамлакатимиздаги энг йирик иқтисодий-жуғрофий мажмуа. Бироқ, фақат мутлақ иқтисодий кўрсаткичларнигина шарҳлаш нотўғри бўлур эди, уларни вилоятлар билан қиёслаш ҳам ноўрин. Миқёс илм ва ресурслар билан таъминланганлик жиҳатидан турлича бўлган минтақаларни қиёслаш учун рейтинг нисбий кўрсаткичлар асосига қурилган бўлиши керак...

**— Албатта. Ахир, инвестицияларни жалб эта олиш – иқтисодиётнинг ривожланганлиги, тадбиркорлик учун яратилган шарт-шароитлар, ташқи бозорга йўналтирилганлик даражаси, ижтимоий «кўрсаткичлар» билан белгиланувчи тушунча-ку. Кўрсаткичлар қанча кўп бўлса, рейтинг шунча ишончли бўлади.**

— Дарвоқе, рейтинг қуруқ математик модель эмас-ку? У бир минтақа бошқасидан қанчалик «яхши» эканлигини аниқ белгилашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. У фақат ҳақиқий ҳолатга яқин баҳони беради, холос. Масалан, барча моддий ишлаб чиқариш тармоқлари орасида бир ишловчи ҳисобига энг кам маҳсулот берувчи соҳа — қишлоқ хўжалиги. Айни шу ўринда Тошкент вилоятининг ҳийла устунлиги бор, зеро, унинг хўжаликларида эркин бозорда сотилувчи кўпдан-кўп товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Боз устига пойтахт вилояти хўжаликларининг техника базаси бошқа минтақалардагидан яхшироқ...

**— Шундай бўлсада, журналистлар билан мулоқотлар чоғида мутахассислар рейтинг қиёсловлари ўзининг қанчалик «нисбийлиги»га қарамасдан «ўткир» муаммо кўрсаткичлари бўлиб чиқиши мумкин, деб айтишади.**

— Бўлиши мумкин. Яна рақамларга мурожаат қилайлик. Тошкент вилояти билан Қорақалпоғистон кичик ва ўрта бизнес корхоналарида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини олиб кўрайлик. Биринчисида бир ишчи 224,0 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, иккинчисида — 100,1 минг сўмлик.

Ана энди «йирик» саноат кўрсаткичларини кўриб чиқайлик. Пойтахт вилоятида бундай корхоналарда бир ишчи 4507,2 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган, иккинчисида — 2725,3 минг сўмлик. Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: кичик корхоналарда унумдорлик кам бўлиши мумкин, бироқ йирик корхоналарга нисбатан икки баробар кам бўлмайди-ку! Устига устак, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сирасига ўрта корхоналар ҳам қўшилади. Улардаги технология йирик корхоналардаги технологиялардан кўп ҳам фарқ қилмаслиги ҳисобга олинса, фарқ яна ҳам яққолроқ кўринади. Демак, бу ўринда гап бирор-бир минтақадаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарида унумдорлик пастлигида эмас, балки ҳатто ошкора ишлаб чиқариш шароитларида ҳам «пинҳона» товар айланувининг ҳажми ҳийла катта эканлигида. Модомики, меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари жиҳатидан Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг кўрсаткичлари юқори экан, ошкора бизнеснинг ҳам рейтинг кўрсаткичларида етакчи эканлигини дадил айтишимиз мумкин.

**— Шунингдек, Тошкент вилояти «кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишловчилар салмоғи» кўрсаткичи бўйича ҳам дадил етакчилик қилмоқда...**

— Бу умумий рейтингда вилоятингизнинг пировард ғалабаси учун ниҳоятда муҳим. Зеро, иш билан банд бўлмаган аҳолининг асосий қисмини айни мана шу кичик ва ўрта бизнес корхоналари қамраб олмоқда. Тошкент вилоятида кичик бизнес корхоналарида жами ишловчиларнинг 57,3 фоизи меҳнат қилаяпти. Бу — бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга хос даражада. Қиёслаб кўринг, Тошкент шаҳрида бу кўрсаткич бор-йўғи 50,4 фоизга тенг.

**— Якуний рейтингда гоҳи пайтлари ғоят хилма-хил, кўринишидан, бири биридан узоқ иқтисодий категориялар бир бутун бўлиб чатишиб кетади...**

— Кўпгина тадқиқотлар якуни бўлмиш рейтинг шуниси билан ҳам қизиқарли-да.

Бундай қараганда, йирик бизнес учун якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар сони ва минтақанинг инвестицияларни жалб этиш хусусияти ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин? Тошкент вилояти бу кўрсаткич бўйича ҳам етакчилар сафида. Бу ўринда ҳам биз якка тадбиркорлар сонининг ўсиб боришини эътиборда тутдик. Тушунтираман. Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётида банд бўлган 9,1 миллион кишидан фақат 5,1 миллион киши (56 фоизи) ёлланиб ишлади. Солиқ тўлаш шартлари ҳуқуқий шахсларга нисбатан якка тадбиркорлар учун бир мунча қулайроқ бўлганлиги туфайли кейинги йилларда уларнинг сони ортиб борди. Бироқ, якка тадбиркорлар маҳсулот сотиб, турли хизматларни кўрсатишлари учун харидорлар керак. Шу сабаб якка тадбиркорлар сонининг ўсиши фақат бизнесни ривожлантириш учун шарт-шароитлар мавжудлигини эмас, балки, аҳолининг тўловга қодирлик эҳтиёжини ҳам белгилайди. Бу минтақанинг айнан инвестицияларни қай даражада жалб эта олишини кўрсатади. Тошкент вилоятида иқтисодий фаол аҳолининг учдан бир қисмига яқини якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланади. Бу жиҳат бошқа кўрсаткичлар қатори бу минтақани инвестицияларни жалб этиш рейтинги бўйича энг яхши минтақалар қаторига кўтаради.

**— Ахир, инвестицияларни жалб этиш имкониятлари давлат сиёсати орқали ҳам белгиланиши мумкин-ку?**

— Тўғри. Давлат минтақага инвестицион ресурсларни қанчалик кўп йўналтирса, унда хусусий бизнес учун имкониятлар шунчалик кўпаяди. Зеро, давлат бизнес ва талаб учун зарур ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмасини барпо этади. Ўтган йили жами давлат инвестицияларининг 9,8 фоизи Тошкент вилоятига йўналтирилди (вилоятлардан фақат Қашқадарё 10,6 фоизли кўрсаткич билан пойтахт вилоятидан ўзиб кетди).

**— Ана энди ижтимоий тамойилларга ўтсак. Улар рейтингнинг 23 та кўрсаткичида катта ўрин тутади, ахир.**

— Уларнинг энг муҳими — аҳолининг жон бошига тўғри келадиган пул даромади. Биз бошдаёқ айтганимиздек, Тошкент вилоятида бу кўрсаткич Ўзбекистон бўйича ўртача даражадан юқори. Шунингдек, Тошкент вилоятида жон бошига чакана товар айланмаси мамлакатда энг юқори: ўтган йили бу кўрсаткич 112 минг сўмга тўғри келди. Вилоятлардан фақат Фарғона — 123,2 минг ва Андижон — 141,4 минг сўм билан ундан олдинда. Қўшнингиз Сирдарёда бу кўрсаткич 71,6 минг сўмни ташкил этиши айтилса, вазият янада ойдинлашади.

**— Иқтисодиёт жаҳоншумул тус олаётган ҳозирги шароитларда ташқи иқтисодий фаолият ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Якуний рейтингда у нечоғли белгиловчи рол ўйнади?**

— 23 хил кўрсаткич қаторида, албатта, «ташқи иқтисодий фаоллик» ҳам бор. Тошкент вилояти бу ўринда ҳам етакчи. Агар Тошкент шаҳрида хориж сармояси билан ишлаб турган корхоналар рўйхатга олинган барча корхоналарга нисбатан 53,7 фоиз бўлса, пойтахт вилоятида — 81,6 фоиз! Дарвоқе, минтақанинг ялпи ички маҳсулотида экспортнинг «салмоғи» жиҳатидан ҳам Тошкент вилояти уч етакчи вилоят қаторида.

**— Энди суҳбатимизга якун ясасак ҳам бўлади...**

— Шундай қилиб, «Минтақалар рейтинги»га яна бир назар ташлайлик. Биринчи ўринни Тошкент вилояти эгаллаб турибди. У пойтахтдан ҳам олдинда. Албатта, буни кутилмаган ҳолат деб ҳисоблаш мумкин эди. Лекин, биз тадбиркорликнинг ривожланиш рейтингини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб чиқдик. Бу жиҳатдан ҳам вилоят биринчи, Тошкент шаҳри эса, фақат учинчи ўринда бўлиб чиқди. Ташқи иқтисодий фаоллик рейтингида ҳам вилоятнинг кўрсаткичлари юқори. Демак, Тошкент вилоятида бизнес учун шароит пойтахтдагидан яхшироқ. Инфратузилма деярли бир хил. Лекин, бизнесменларнинг ҳаракат эркинлиги, чамаси, кенгроқ. Шу боис Иқтисодий тадқиқотлар марказининг тарихимизда илк дафъа ўтказилган «Минтқалар рейтинги» ишбилармон доиралар томонидан самарали қарорлар қабул қилинишида муҳим омил бўлиб қолади, деган умиддамиз.




(Давоми. Боши 1-бетда).

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиалида ўтган ҳафтада 2 та биржа савдоси бўлиб ўтди.**
**Биржа савдосида 2 та нодавлат автотранспортлари жами 300,0 минг сўмга сотилди.**

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилоят филиали Сиз азизларни 2003 йил 15, 22, 29 январь ва 5, 12, 19, 26 февраль кунлари соат 11.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

1. Бекобод шаҳар Ўрмон хўжалиги маҳалласида жойлашган, ҳар бирининг майдони 400 кв.м. бўлган 2та ер майдони.
**Бошланғич баҳоси – 25520,0 сўм.**
2. Бекобод шаҳар У. Юсупов кўчасида жойлашган, майдони 400 кв.м. бўлган 1та ер майдони.
**Бошланғич баҳоси – 120640,0 сўм.**
3. Чирчиқ шаҳар, А. Навоий кўчаси, 100-а уйда жойлашган сатҳи 250,09 кв.м. бўлган нотурар жой биноси.
**Бошланғич баҳоси – 2978300 сўм.**
4. «Уй-соз» корхонасига қарашли, Оҳангарон шаҳар, 3-кичик туман 24-уйда жойлашган, сатҳи 147,79 кв.м. бўлган нотурар жой биноси.
**Бошланғич баҳоси – 1735400 сўм.**

Ер майдонига ариза қабул қилиш 3 кун олдин тўхтатилади.

Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси бекор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

**Эслатма:** сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридаги маблағ ва ДСИ томонидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Xususiylashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. Мурожаат учун телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, факс: 133-43-73.

